



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 17 июнь, № 118 (4528)

Сешанба

ҲУР ВАТАН ФАРЗАНДЛАРИ



Сиз суратда кўриб турган бу ёшлар кунга кеча озод ва обод юртининг тўлақонли фуқароларига айланишди. Уларнинг қалблари бугун чексиз фахр-ифтихорга тўла. Пойтахтимиздаги Сирғали туманининг бир гуруҳ ўспи-

ринлари ҳам ана шундай ҳаяжонни бошидан кечирди-лар. Уларга Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти тантанали топширилди. Пойтахтлик ёшларнинг ҳаётидаги ушбу муҳим кунда уларни ота-оналари, устоз-

лари, яқинлари чин дилдан табриклашди. — Бу кун менинг ҳаётимдаги энг унутилмас давлардан бирига айланди, — дейди тумандаги 322-мактаб битирувчиси Дилноза Сунатовна. — Бу ҳужжат менинг қалбимда Ва-

танамга бўлган меҳр-муҳаббатни янада ошириб юборди. Сирғали тумани ички ишлар бошқармаси хорижга чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими бошлиғи, майор Дилором Жалимова фуқаролик ҳужжатини ёшлари-

Юртимизда фуқаролик паспорти ҳам байроқ, герб, мадҳия каби мустақиллигимизнинг асосий рамзларидан бири. Ушбу мўъжазгина китобча фуқароликни тасдиқловчи шунчаки ҳужжат эмас, балки ҳар бир инсоннинг фахру ифтихоридир.

Ифтихор

мизга топширар экан, унинг аҳамияти хусусида йиғилганларга батафсил сўзлаб берди: — Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти ҳар бир кишига ўз тақдирини ўзи белгилаш имкониятини беради, — дейди у. — Ушбу ҳуқуқий ҳужжатни олишингиз билан энди сиз, ёшлар мамлакатимиз қонунчилигида белгилаб қўйилган барча ҳуқуқ ва имтиёзлар, шунингдек, фуқаролик мажбуриятларини ҳам ўз зиммангизга олдингиз.

Юнус БҲУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

БУЮК ЎЗГАРИШЛАР САРЧАШМАСИ

Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шухратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир

Барчамиз учун энг улуг ва энг азиз байрам — Ўзбекистон давлат мустақиллигининг ўн етти йиллик айёми тобора яқинлашмоқда. Мана шу шукҳли давларда ҳар биримиз истиқлол байрамимизни буюк моҳияти ва аҳамиятини, мустақиллик аталмиш улуг неъматининг саховатли заминимизда яшайдиган жамияти ватандошимиз ҳаётида тугган ўрнини, ўтган аср сўнггида сиёсий, иқтисодий-иқтисодий ҳаётимизда, онгу тафаккуримизда оламшумул ўзгаришлар сарчашмаси

Мустақиллик берган бекиёс имкониятлар тўғрисида эртанги кунимиз — эркин ва фаровон келажагимизни ўз қўлимиз билан бунёд этмоқдамиз. Дарҳақиқат, йўлбошимиз Ислам Каримов тарихий сана — 1991 йил 1 сентябрий Ватанимиз мустақиллиги кунини, деб эълон қилганидан кейин Ўзбекистон дунёга, дунё эса Ўзбекистонга юз очди. Жаҳон жамоатчилиги Марказий Осиё минтақасида улуг аждодлари баҳрият цивилизацияси, илм-фани ва маданияти ривожига

Ватанимиз мустақиллигининг



бўлганини янада теран англаймиз. Кунга кеча Президентимиз Ислам Каримов Ватанимиз ва халқимиз ҳаётидаги буюк сана — истиқлол байрамимизнинг 17 йиллигига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича қарор қабул қилди. Унда жойларда, меҳнат жамоалари, ўқув муассасалари, маҳаллаларда "Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шухратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир" деган эзгу гоши ифода этадиган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш белги-ланган.

бекиёс ҳисса қўшган, бой тарих ва маданий меросга, улкан иқтисодий ва маънавий салоҳиятга эга бўлган мамлакат ва халқ борлигидан, янги мустақил давлат пайдо бўлганидан хабар топди.

Хали-ҳануз эсимда. Биз, бир гуруҳ журналистлар мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида дунёнинг етакчи мамлакатларидан бири — Америка Қўшма Штатларида сафар қилган эдик. Ушанда турфа касб ва дунёқарашга эга, турли соҳаларда фаолият кўрсатадиган америкаликлар билан кўп учрашди ва суҳбатлар бўлиди. Табиийки, улар таннишиш асносида бизнинг қайси мамлакатдан келганимизни сўрашар эди. Айтсак, бу қандай мамлакат экан, дея ўйланиб қолишарди. Тарихий шаҳарларимиз — Самарқанд ва Бухоро, пойтахтимиз Тошкент номлари тилга олинганда сўнггина, ҳа, бошда шунга айтилаётган эди, деб жиммайиб қўйишарди. Уларга табиий тахрирала-

ди. Уларга табиий тахрирала-

Мустақиллик тўғрисида биз ўзлимизни англадик, озод халқ, мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг бор бўлиб-бастини, улкан салоҳиятини бутун дунёга намойиш қилди. Мустақиллик тўғрисида бизнинг жажон танимоқда, халқимизнинг фидокорона меҳнати, ёшларимизнинг ғайрати, азму шижоати боис, Ўзбекистонимизнинг шон-шухрати олам узра ёйилмоқда.

Мустақиллик тўғрисида биз ўзлимизни англадик, озод халқ, мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг бор бўлиб-бастини, улкан салоҳиятини бутун дунёга намойиш қилди. Мустақиллик тўғрисида бизнинг жажон танимоқда, халқимизнинг фидокорона меҳнати, ёшларимизнинг ғайрати, азму шижоати боис, Ўзбекистонимизнинг шон-шухрати олам узра ёйилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси олдида

Аввал хабар қилганимиздек, шу йил 28-29 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтади. Ялпи мажлис кун тартибига «Ихтиролар, фойдалар моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам киритилган. Биз парламент юқори палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг аъзоси Ҳамротов ШОДИЕВАДАН ушбу Қонуннинг мақсади ва амалқилимида олиб борилаётган ислохотларга унинг нечоғли уйғунлиги хусусида гапириб беришни илтимос қилдик.



ИХТИРОНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган бу қонун кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига 2008 йил 25 апрелда келиб тушган, — дейди Ҳамротов Нормуродовна. — Қонуннинг асосий мақсади кичик бизнес тарқатиш тўғрисида қўлай шарт-шароит яратиш ҳамда иқтисодиётнинг ривожланишини рағбат-лантиришдан иборат. Янада аниқроғи, ихтироларга патент олишда талабномаларнинг кенйтирилган экспертизаси тизимини, яъни талабнома берувчининг экспертиза ўтказилишини ўз ҳошига қўра уч йилга кенйтиришга асосланган тизимни, шунингдек талабнома эълон қилинган, уни берган шахс оладиган вақтинчалик ҳуқуқий муҳофаза ҳақидаги нормаларни киритиш йўли билан кўскартиришни қўзда тутди.

Янги Қонун икки моддадан иборат бўлиб, «Ихтиролар, фойдалар моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг матнинга тахрир ўзгаришлар киритишдан ташқари уни бир қатор янги норма ва моддалар билан ҳам тўлдирмоқда. — Ихтирога ҳуқуқий муҳофаза бериладими? — Ҳа, берилади. Жумладан, амалдаги Қонуннинг «Ихтиронинг патентга лаёқатлилик шартлари» деб номланган 6-моддаси билан шу нарса белгилаб қўйилган. Агар ихтиро янги ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, бу объектга ҳуқуқий муҳофаза берилади. Ушбу моддада ихтиро сифатида эътироф этилиши мумкин бўлган объектларнинг тулик рўйхати (қурилмалар, усуллар, моддалар, микроорганизмларнинг штаммлари, ўсимликлар ва ҳай-

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистоннинг Лондондаги элчихонасида «Марказий Осиё хавфсизлиги ва Афғонистондаги барқарорлик омиллари» мавзусидаги давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Буюк Британия расмий ва эксперт доиралари вакиллари, ушбу мамлакатнинг кўзга кўринган жамоат арбоблари, шунингдек, дипломатия корпуси вакиллари иштирок этди.

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ — ЛОНДОНДАГИ ДАВРА СУҲБАТИНИНГ БОШ МАВЗУСИ

Тадбир қатнашчилари эътиборига минтақада сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим омил бўлаётган Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги барқарорликни таъминлаш борасидаги сиёсати ҳақида маълумотлар ҳавола этилди. Жумладан, мамлакатимиз маъмур соҳада қатор муҳим ташаббусларни илгари суриб, уларни ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этиб келаётгани таъкидланди. Анжуман қатнашчиларига Президент Ислам Каримов томонидан Бухарестда бўлиб ўтган НАТО/СЕАП саммити чоғида илгари сурилган ташаббуслар, хусусан, «6+3» кризисдаги мулоқот гуруҳини қайта тиклаш, унинг асосий вазифалари

ҳамда ҳаракат механизмлари ҳақида батафсил сўзлаб берилди. Учрашувда британиялик таниқли олимлар — Лондон университетининг Шарқ ва Африка тадқиқотлари мактаби маърузачиси Ш.Акинёр ҳамда Кент университети илмий ходими, «Жеймстаун жамғармаси» эксперти Р.Макдермот маъруза қилди. Улар 29-30 апрель кунлари Тошкентда бўлиб ўтган «Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш муаммолари» мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этган эди. Ўз чиқишларида олимлар Ўзбе-

кистоннинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги сиёсий-дипломатик ташаббуслари жуда урилли ва аниқ мақсадга йўналтирилганини қайд этди. Британиялик тадқиқотчиларнинг айтишича, Ўзбе-

кистоннинг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасидаги тақлифлари Буюк Британияда катта қизиқиш уйғотди. Бунга Тошкент конференциясида ушбу мамлакатнинг олим ва экспертлари фаол иштирок этгани ҳам бу фикрнинг яққол далили бўла олади. Тошкент конференцияси хусусида гапириб, Ш.Акинёр анжуман турли томонларнинг Афғонистон муаммоси борасидаги нуктаи назарларини аниқроғи тушуниш ҳамда минтақавий хавфсизлик масалаларидаги ўзаро ҳамкорликни фойдалаштириш ишига салмоқли ҳисса қўшганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ БҲЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

«COSCOM» ўзгарди, «Ucell» келди

Пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида юртимизнинг етакчи узали алоқа операторларидан бири — «COSCOM» савдо белгисининг бундан бун «Ucell» номи остида ўз хизматларини давом эттириши муносабати билан маъбуот анжумани ўтказилди. — Жорий йил июнь ойидан бошлаб барча хизматларимиз янги «Ucell» савдо белгиси остида тақдим этилади, — дейди «COSCOM» МЧЖ ХК Бош директори Оғуз Мемиглов. — Эндиликда «COSCOM» жаҳон миқёсидаги энг нуфузли телекоммуникация компанияларининг тенг ҳуқуқли аъзоси саналади.

(Давоми 3-бетда).

Наманганда хорижий корхона

Ҳозиргача унинг 2,6 миллион долларга ўзлаштирилди. Яқин кунларда 5 миллион долларлик ускуна ва технологик жиҳозларни ўрнатишга киришилди. Корхонанинг биринчи босқичи ишга тушиши билан 550 киши доимий иш жойига эга бўлади. Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳар кимнинг ўз дарахти бўлсин

Жарқўрган туманидаги янги очилган иқтисодий кесиб-ҳунар коллежи ҳудудда барпо этилган боғни «Ешлар боғи» деб атадилар. Бу боғдаги ҳар бир туپ ниҳолнинг эгаси — боғбон бор. Улар — коллеж ўқувчиларининг ўзалари. — Езги таътил кунлари ҳам ўқувчиларимиз ўзалари эккан ниҳоллари атрофидан парвона, — дейди ўқитувчи Шербой Жумаев. — Навбатдаги ўқув йилидан бошлаб боғимизда кўчатчилик участкасини очамиз. Еш боғбонларимиз ўз маҳаллалари ва ўқиган мактаблари учун мевали-манзарали дарахт ниҳолларини ўстирадилар.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Гуллар байрами

Биргина Фаргона давлат университети ўқитувчи ва талабалари гуллар, қўчалар, табиат инъомларининг 300 дан ортиқ турини намойиш этиди. Эътироф этиш керакики, университет ботаника боғида дунёнинг турли минтақаларидан парвариш қилинадиган гуллар, ўсимликлар — бразилия флечдарони, ҳиндистон юккосу, япон сафораси, мексика агаваси сингари манзарали ва шифобахш ўсимликларини урратиш мумкин. Байрам кат-

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

КОММУНАЛ ХИЗМАТ ЯХШИЛАНМОҚДА

Бир рақам шарҳи



2008 йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда

фаолият юритаётган хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари (ХУМШ) сонини

42 тага кўпайди.

Ўтган даврда жойларда кўп қаватли уй-жой фондиди бошқариш тизимини тақомиллаштириш, жумладан, ХУМШлар томонидан хизмат кўрсатиладиган уйлар сонини мақбуллаштириш, бу борада муқобил хизматларни ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида шундай натижага эришилди.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Қаҳвахонада портлаш

"Reuters" ахборот агентлигининг хабар беришича, яқшанба кун кечкурун Истамбул шаҳридаги кафелардан бирида кучли портлаш содир бўлган.

Бензин ўрнига сув

Япониянинг "Genepax" компанияси Осака шаҳрида сув билан юрадиган махсус машина тақдирини ўтказди.

Жангарилар халақит беришмоқда

— Англия ва Нидерландия давлатлари ҳамкорлигидаги "Royal Dutch Shell" нефть компанияси июнь ва июль ойларида буртмачиларга режадаги маҳсулотни етказиб бера олмаслиги мумкин, — дея хабар беради АРР ахборот агентлиги.

Аҳолини кўчиришга қарор қилинди

Хитой ҳукумати Синчань музофотидаги 70 мингга яқин аҳолини бошқа жойга кўчиришга қарор қилди. Худудда яқинда кучли zilzila содир бўлган эди.

Айни пайтда фуқаролар тўтовисиз ёғаётган ёмғир ва сув тошқинидан зарар кўрмоқда. Хозирча табиий офатдан 55 киши ҳалок бўлган.

Айовада тошқин

АҚШнинг Айова штатида юз берган сув тошқини кўплай кишиларни қийин аҳволга солиб қўйди.

«COSCOM» ўзгарди, «Ucell» келди

(Давоми. Боши 1-бетда). Анжуманда таъкидланганидек, 2007 йил ўрталарида «COSCOM» акцияларининг назорат пакетини Европанинг етакчи телекоммуникация компанияларидан бири — ТелиаСонера сотиб олди.

Европа ва Осиё мамлакатларидан пластмассани қайта ишлаш, пластмасса маҳсулотлари ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳамда қадқоқлаш ускуналари ва технологиялари



«POLIMER GROUP ASIA»

Телефонлар: +99871 262-51-09, +99890 316-12-53, 327-97-28. Web: www.powerglob.com

«МЕҲРЛИ САВДО» ШҲБА КОРХОНАСИ

2008 йилнинг III чорагида қуйидагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади: САРИЁР, 1-КАТЕГОРИЯЛИ МУЗЛАТИЛГАН МОЛ ГЎШТИ

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ «КЧМ»

РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ. ПРЕИМУЩЕСТВА ЧУГУННЫХ КОТЛОВ: наибольший срок службы среди других типов котлов

Санъат

Вобкентликлар хушовоз хонанда Хуршид Муҳомовни яхши танишди. Бултур у "Истеъодларни излаймиз" деб номланган республика кўрик-танловоида галиб деб топилиб, Халқ таълими вазирлигининг Фахрий ёрлиги ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Муסיқада сеҳр бор

Айни пайтда Хуршид тумандаги 16-умумтаълим мактабининг миллий макомчилик тўғрисида машғулотлар олиб борапти...

— Дарҳақиқат, муסיқада сеҳр бор, — дея мулоҳаза юритади кекса муаллимидан бири Шомурод Шодиев.

Хурматли тadbirkorлар ва азиз ҳамюртлар!

«Buxoro Aukcion Savdo» ixtisoslashtirilgan tashkiloti aukcion komissiyasi

иштирокида Бухоро шаҳри «Бухоро Ипаги» акциядорлик жамияти ташки бошқаруви билан ҳамкорликда объектнинг бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Очик аукцион савдоларида «Бухоро ипаги» очик акциядорлик жамиятига қарашли бино-иншоотлар ва асбоб-ускуналар 167 номдан иборат мулкий мажмуа сифатида чиқарилган.

Очик аукцион савдоларига қўйилган мулкий мажмуа куйидаги шартлар билан сотилади: талож-тарож қилмасдан, ишлаб чиқариш фаолияти йўналишини сақлаб қолган ҳолда корхонани замон талабларига мос ривожлантириш;

Аукцион савдоларида иштирок этиб мулкдор бўлиш истагидаги харидорлар аукцион ташкилотчиси — «Buxoro Aukcion Savdo» ixtisoslashtirilgan tashkilotra куйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

- кўрсатилган мулкий мажмуани сотиб олиш учун ариза;
• закатат пули тўғрисидаги келишув битимининг бир нусхаси;
• савдо ташкилотчисининг МФО 00119, АТИБ «Ипотекбанк»и «Сардор» филиали, 20208000004530032001 ҳисоб рақамига объект бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдориде закатат пулини тўлаганликлари тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси;

Аризаларни қабул қилиш газетода эълон чоп этилгандан бошлаб ҳар кун икки кундан ташқари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Мажмуа жойлашган манзил: Бухоро шаҳри, Б. Нақшбанд кўчаси, 256-уй, «Бухоро ипаги» ОАЖ. Қўшимча маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: «Buxoro Aukcion Savdo» ixtisoslashtirilgan tashkiloti, Бухоро шаҳри, «Мустақиллик» кўчаси, 10-уй, 4-қават. Телефон: 223-92-91.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

нархлари босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган такрорий очик аукцион савдосига таклиф этади.

Республика Кўчмас мулк биржаси Бухоро вилояти филиали Қорақўл туманидаги «Намунасавдо» СИЧК суд бошқарувици билан ҳамкорликда ўтказиладиган очик аукцион савдосига Бухоро вилояти ҳўжалик сундининг 2007 йил 14 майдаги 20-0709/1958-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган, Қорақўл туманидаги «Намунасавдо» савдо ишлаб чиқариш кооперативи кредиторлар кўмитасининг 2008 йил 12 июндаги 6-сонли ййгилиши баённомаси қарорига асосан, Қорақўл туманида жойлашган «Намунасавдо» савдо ишлаб чиқариш кооперативига қарашли мол-мулклар мулкий мажмуа сифатида қўйилмоқда.

Юқоридаги очик аукцион савдосига чиқарилган мол-мулклар мажмуаси куйидаги шартлар асосида сотилади: мулкий мажмуадаги мол-мулклар талон-тарож қилинмасдан, аксинча реконструкция қилиш ва ишлаб чиқариш йўналишини сақлаб қолган ҳолда замон талабларига мос равишда ривожлантириш;

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш очик аукцион савдоси бошланишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Савдоде иштирок этиш истагидаги талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2021000900571452052, АТИБ «Ипотекбанк»и «Сардор» филиали, МФО 00119, СТИР 200933850, ОКОНХ 83300.

Қўшимча маълумот учун телефонлар: 8 (365) 223-71-30, 223-71-36. Интернетдаги сайтими: www.rkmb.uz

ООО "SHIRCHIQ TEPLO SYSTEM" ИСИТИШ СУВ ҚАЙНАТИШ КОЗОНЛАРИ. Ҳавфсиз автоматика билан таъминланган модулли иситиш блоклари. Табиий газ, суюқ ва қаттиқ ёқилғи билан ишлайди.

«PK TREKHORKA» ЁАЖ. Юқори сифатли том қопламалари (рубероид)ни сотади. Юқори сифатли том қопламаларидан таъмирлаш ишларини бажаради ва янгидан қоплайди.

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ. Сана — 2008 йил 10 июнь. Кредит № — UZB-20. Лойиҳа номи — Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш.

Шаҳар марказида жойлашган «ШАРҚ» ТҲЙХОНАСИ. таъмирдан чиқарилди, бюртмалар қабул қила бошлайди. 2006 йилда «Ринза» таблеткалари № 10» дори воситасининг 3 та қалбақлаштирилган нусхаси аниқланган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 8 тага етди.

Қалбақлаштирилган дори воситаларидан эҳтиёт бўлинг!

Қалбақлаштирилган дори воситалари истеъмолчи саломатлиги учун жиддий хавфдир. Уларда таъсир этувчи моддалар умуман бўлмаслиги ёки аксинча, таркибиде зарарли, захарланши ва бошқа салбий оқибатларга олиб келадиган моддалар бўлиши мумкин.

нинг февраль ойида эса қалбақлаштирилган «Ринза» таби 9 тани ташкил этди. Шунингдек, 5 граммли пакетчалардаги «Ринза СИП» эритилувчи қуқун дори воситасининг қалбақлаштирилган 2 та серияси фож этилди.

жавобгардир. Дорихоналарда «Ринза» дори воситаларини сотиб олишда мувофиқлик сертификати ёки ҳисоб-фактурада кўрсатилган сертификатни тўғрисидаги маълумот, шунингдек, касса аппарати чекини талаб қилинг.

Куйида қалбақлаштирилган дори воситаларининг сериялари келтирилимоқда: «Ринза» таблеткаси №10-серияси U6198, BT-172, BT-173, 140106, 011205, 01402, R013.

«Ринза» таблеткаси №4 - серияси 010807 «Ринза СИП» эритилувчи қуқун 5 граммли пакетчаларда №5 серияда - L6137, B-6130.

Агарда «Ринза» препарати ёрдам бермаса ёки унга нисбатан сизда шубҳа пайдо бўлса, сиз препаратни сотиб олган дорихона муассасаси раҳбарига мурожаат қилинг ёки «Ринза» қутисини, касса аппарати чекини «Фармед» ХФга олиб келинг.

Сунгги йилларда қалбақлаштирилган дори воситалари сони кўпайиб бормоқда. Хусусан, «Ринза» савдо белгиси остидаги қалбақи дорилар фикримизга ёрқин далилдир.

«Ринза» савдо белгиси остидаги қалбақи дорилар фикримизга ёрқин далилдир. 2006 йилда «Ринза» таблеткалари № 10» дори воситасининг 3 та қалбақлаштирилган нусхаси аниқланган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 8 тага етди.

«Ринза» дори воситасини трипп ҳамда шамоллашда самарали ёрдам берувчи оригинал «Ринза» препаратига бепул алмаштириб берамиз. Биз сизнинг саломатлигингизни қадрлаймиз.

Мурожаат учун «Фармед» хусусий фирмасининг телефонлари: 228-55-00, 228-55-66. Эҳтиёт бўлинг: қалбақи дори воситалари!

Ўзбекистон Республикаси Сoвляқни сақлаш вазирлиги ва Эпидемиология, микробиология ва юкумли касалликлар илмий-текшириш институти жамоаси институт директори Муборак Аҳмедовага укаси Баҳодир МАЛИКОВнинг вафот этганини муносабати билан таъзия изҳор этади.

АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» жамоаси Самарқанд минтақавий филиали бошлиғи Ари Абдурахмонович Мирзаевга онаси САИДА аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти Миллий Кенгаши Қашқадарь вилает Кенгаши раиси Шавкат Аминов ва унинг онла аъзоларига фарзанди Илҳом АМИНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

ЗАФАРЛИ ЮРИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА



14 июнь кунин Осиё қитъасида футбол бўйича 2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати учинчи босқич саралаш учрашувлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон терма жамоаси пойтахтимиздаги МХСК стадионида Ливан футболчиларини қабул қилди. Эсингизда бўлса, ҳамюртларимиз учинчи босқич илк саралаш учрашувини февраль ойида сафарда Ливан терма жамоасига қарши ўтказиб, 1:0 ҳисобида зафар қўнган эди.

бўлиши мумкин эди. Аммо, иккинчи бўлимда Сервер Жепаров ўн бир метрлик жарима тўпини фойдалана олмади. Шундай қилиб, футболчиларимиз гуруҳдаги бешинчи учрашувда ҳам галаба қозониб, 15 очко билан мавқеини янада мустаҳкамлаб олди.

Жавоб учрашуви ҳам юртдошларимизнинг тўлиқ устунлигида ўтди. Одил Аҳмедов (2 та) ва Сервер Жепаровлар томонидан киритилган тўплар терма жамоамизнинг йирик — 3:0 ҳисобидида галабасини таъминлади. Ҳисоб янада йирик

“А” гуруҳидаги иккинчи учрашувда Саудия Арабистони терма жамоаси сафарда Сингапур футболчиларини 2:0 ҳисобида мағлубиятга уратди.

“А” гуруҳидаги иккинчи учрашувда Саудия Арабистони терма жамоаси сафарда Сингапур футболчиларини 2:0 ҳисобида мағлубиятга уратди.

сафарда Таиланд футболчиларини 3:0 ҳисобида доғда қолдирди. Баҳрайн — Уммон учрашуви 1:1 дуранг натижа билан якунланди. Қолган гуруҳлардаги ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: “С” гуруҳи: КХДР — Иордания 2:0, Туркменистон — Жанубий Корея 1:3, “Е” гуруҳи: Эрон — Сурия 2:0, БАА — Кувайт 3:2.

22 июнь кунин учинчи саралаш босқичининг сўнгги тур учрашувлари бўлиб ўтади. Ҳозирча, Ўзбекистон, Австралия, Баҳрайн, Эрон, Жанубий Корея, КХДР, Саудия Арабистони ва Япония терма жамоалари туртинчи босқич йўлланмасини қўлга киритишган. Қатар, Ироқ, БАА ва Сурия мамлакатлари футболчиларида кейинги босқичга чиқиш имконияти бор. Кувайт, Иордания, Туркменистон, Уммон, Таиланд, Хитой, Сингапур ва Ливан терма жамоалари кейинги босқичга ўтолмасликлари аниқ бўлди.

Султонободлик ЧЕМПИОН

Зоҳид Худойбердиев Андижон вилоятининг энг олис қишлоқларидан бири — Султонободда истикомат қилади.

У профессионал боксда кўнчилик тенгдошлари ҳавас қилса арзиғулик натижаларга эришмоқда. Зоҳид яқинда Бекобод шаҳрида ўтказилган профессионал бокс кечасида россиялик Марсель Косимовни мағлубиятга учратиб, WBC йўналиши бўйича ярим энгил вазнда МДХ ва Шарқий Европа давлатлари чемпионлик камарини қўлга киритди.

Яна бир андижонлик боксчи Фарҳод Орипов аса рейтинг жангида таиландлик Асани Суванни биринчи раунддаёқ нокаут ҳолатига туширди. Бу Фарҳоднинг профессионал боксдаги олтинчи галабасидир.

Одилжон ШОДНОМАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Урганчда ёшлар форуми

Урганч шаҳрида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида ўзига хос ёшлар форуми ташкилланган.

“Ёшлар йили” Давлат дастури доирасида уюштирилган тадбирда вилоятдаги касб-хуна коллежлари ва мактаб ўқувчилари иштирок этди. Дастлаб таниқли спортчилар томонидан кўрағамли чиқиш намойиши этилди. Санаёт усталарининг Ватан, гўзал ҳаёт ва ёшлиқни тараннум этувчи мусиқий дастурлари тадбирга ўзгача шукҳ бахш этди. Шундан сўнг “Динамо” стадионида коллеж ўқувчилари ўртасида 2000 метрга югуриш мусобақаси ўтказилди. Мактаб ўқувчилари эса “Биз гиёвандликка қаршимиз” шиори остида асфальтга расм чизиш танловида омадларини синая кўрдилар.

Яқинда умумжамоа ҳисобида Шовот тумани ёшлари биринчи, Урганч шаҳри жамоаси иккинчи, Гурлан тумани вакиллари эса учинчи ўринни эгаллашди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҒАЙРАТ НАЗАРОВ КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Пойтахтимизда от спорти бўйича жаҳон кубогининг Марказий Осиё минтақаси бўйича иккинчи босқич мусобақалари бўлиб ўтди.

Аҳамиятлиси, унда ўз тўлғори билан қатнашган ҳамюртларимиз Ғайрат Назаров биринчи ўринни қўлга киритди.

Энди у июль ойида Астана шаҳрида бўладиган жаҳон кубогининг учинчи босқич беллашувида иштирок этади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Бухорода классик шашка бўйича халқаро турнир якунланди.

шашкачилар баҳрида биринчи ўрин Бухоро вилояти вакиллари Гулсум Алиева ва Нурали Раҳматов.

Шашкачилар баҳси

Тўрт ёш тоифасида уюштирилган мусобақада Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистон давлатларининг энг иқтидорли шашкачилари доня суришди.

га насиб этди. 12 ёшли шашкачилар беллашувида қозғистонлик Айза Журжабоева ва кўплаб нуфузли мусобақалар совриндори бухоролик Саидқосим Алиев пешқадам бўлишди. Энг кичик — 10 ёшдаги илтироқчилар орасида эса Туркменистон вакили Гулалак Ялушоева ва Қозғистон шашкачиси Булат Аймехонгар муваффақият қозондилар.

Хизмат кенгайди

Чирчиқдаги “Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металллар комбинати” очиқ акциядорлик жамиятининг телефон тармоғи ходимлари яқинда фаолият доираларини янада кенгайтirdилар.

Улар корхона ишчиларидан ташқари, шаҳардаги бошқа хонадонларни ҳам ўз хизматларидан баҳраманд этмоқда. Шу мақсадда, ҳозирданок 800 нафардан ортиқ миҳозга пулли хизмат кўрсата бошладилар.

А. ҲАЙДАРОВ.


Бу ажиб дунё

Артур Конан Дойлнинг «Френсис Карфэкс хонимнинг йўқолиши» ҳикоясининг кўлбасмаси Лондондаги қадимий китоблар кўргазмасида соҳнага кўйилди.

500 минг долларлик қўлбасма

«1911 йил» деб имзо қўйилган 28 қоғоздан иборат ушбу қўлбасма баҳори 500 минг долларга баҳоланмоқда. Агар мазкур қўлбасма шу нарҳда сотилса, шу пайтга қадар сотилган Шерлок Холмс саргузаштлари ҳақидаги биттиklar орасида рекорд натижани қўлга киритади. Эслатиб ўтамиз, 1996 йилда ёзувчининг «Тўрлик белгиси» асари 470 минг долларга сотилган эди.

Хориж матбуоти хабари асосида тайёрланди.



«Доимо алоқада» тарифи

\$0 абонент тўлови тармоқ ичида кирувчи кўнғироқлар \$0,02 мобил рақамларга чиқувчи алоқа (с. дав. учун) мобил рақамлардан кирувчи алоқа (с. дав. учун)

«Доимо алоқада» хизмат ренасига ўтиш учун *111*105# USSD рақамига кўнғироқ қилиш керак.

МТС алоқа оператори

Инсон учун саломатликдан ортиқ неъмат йўқ. Шу боис, бирор касалликка чалинсанг, уни бартараф этишга уринамиз. Тандан беморлик аломати ариганда эса тинчланамиз. Ва бундан кейин эҳтиёт бўлиш учун ўзимизга сўз берамиз, аммо... Ўз саломатлигини кўра била туриб, йўқотадиганлар ҳам, афсуски, бор. Булар — гиёвандлардир.


СЎНГГИ ПУШАЙМОН...

Ҳозир дунёни ташвишга солаётган фожиялардан бири гиёвандликдир. Бу фикрга айримлар: “Дунёда ижтимоий муаммолар глобаллашиб бораётганда, наҳотки гиёвандлик шунчалик ташвишланарли бўлса” дея эътироз билдиришлари мумкин. Бунга мутахассислар: “Гиёвандликка ружу қўяётганлар орасида ёшлар кўп, демак, бу келажақ ҳақида хавотир уйғонишига сабаб бўлапти” деб жавоб беришмоқда. Чинданам, гиёвандлик одам боласини жажолатта, жиноятга бошлайдиган балодир.

насан киши. Ахир, навқирон ёшларда у жойидан қўзғалолмай қолган. 25 ёшли йигит кекса чинордай мунгайиб қолган. “Уша кунги воқеадан кейин ҳамма мени гапирга бошлашди. Вақт ҳамма нарсани даволайди, деганлари рост экан. Орадан ярим йил ўтиб, бу гаплар энди айтилмай қолди. Бу орада биз мактабни тугатиш арафасида эдик. Аммо барибир боғия жўрам билан чекишга ўрганиб қолгандик.



Мақтабни битирганимиздан сўнг, кўп синфдошларим ўқига киришди. Биз эса ўз “ишимиз”ни давом эттирдик. Чекишдан ташқари ўғирлик ҳам қилардик. Биздан аввал тумонсирашди, кейин бир кун “иш” устида ушлаб олишди. Жайрияти, қишлоқ ахли андиша қилиб, бизга индашмади. Отам эса менинг бу



— Ҳали мактабда ўқиб юрардим, — дея гап бошлади Содиқ (исм ўзгартирилган). — Аввал сигарет чекишга ўргандим. Битирувчи синф бўлганимиз учун тез-тез ўтиришлар уюштирардик. Шундай давраларнинг навбатдагисиди мени имлаб ташқарига чақирди. “Ҳозир бундай қиламиз, жўра, — деди у. — Биласан, шу йили ўқишни тугатамиз. Қизлар ҳам ганимат. Шунинг учун бугун нима бўлсаям, улар билан бир “вальс”га тушайлик.” Тушсанг тушавер, менга нима дейсан” дедим. “Бир ўзим уяламан, шунинг учун иккаламиз ҳозир мана бундан биттадан чекиб олсанг, сен ҳам мен ҳам уялмаймиз”. У шундай деб чўнтагидан сигарет чиқариб тутатди. Мен унга: “Э, шунга шунчами, мен чекишни аллақачон бошлаганман” деб мактандим. Шунда у ғалати ҳиринглади. Бу ҳиринглаш маъносини боғи оддий деб билган сигаретимни иккита тортгандан кейин тушундим. Аввал бошим айланди, кейин оёқларим қалтиради. Базм бўлаётган уйга кираётганимни зўрга эсламан. Магнитфондан таралаётган шўх қўшиқни эшитиб, ўрнимдан турдим. Ёнимда ўтирган қизлардан бирини тортдим. У қўйвор, деди-ю, ўрндан турди. Шартта қучоқлаб олганимни биламан, аввал ҳамма жим бўлди, кейин қий-чув бошланди. Кимдир югуриб келиб, юзимга тарсаки тортиди, яна кимдир белимга теғди. Кўзимни очсам, уйда ҳеч ким қолмаган, фақат уй соҳибининг қорасини кўргандай бўлдим. Адаммаган эканман, у киши менга анча гапирди, фикримча, насихат қилди.

қилиқларимни эшитиб ўз танишларидан бирининг қизини олиб берди. Босилиб қолар эмишман. Бошда шундай бўлди ҳам — келинчақка меҳрим тушди. У менинг чекишимдан хабар топган, чекманг, умрингизга зиён, қолаверса, болаларимиз ногирон бўлиб қолиши мумкин, дея худонинг зорини қилди. Унинг бу гапидан сўнг қўриқиб кетдим ва чекишни ташлашга қатъий қарор қилдим. Қаёқда, ташлаб кетиш қийин экан бу зормандани. Орадан йиллар ўтди — иккита фарзандли бўлдим. Йўқ, йўқ, иккиси ҳам ахши. Хотинимнинг боши осмонда эди. Аммо...

Шунча гапни айтдим, бу ёғини ҳам эшитинг. Биз боғия жўрам икковлон инага ўтиришга ҳам ўрганиб қолгандик. Хуллас, бир кун “кайф”да уйга келдим. Ярим кечаси совқотгандай бўлдим. Ёстқини бошимга босаман, деб ёнимга қўл узатдим ва қўлим оймшоқ бир нарсасга текканини биламан “вағ” этган овоз, кейин чинқириб эшитилди. Кимдир қўлимни қаттиқ силтаб ташлади...

Кейин билсам, бошимга ёстқини босаман, деб кичик қариндошларим келиб мени отам этган касалхонага олиб боришди. Қаранг, улар келиб айтмагунча менда бу фикр йўқ эди. Борсам, шифкорлар отамнинг аҳоли оғир эканлигини айтишди. Оттан тошим у кишининг қўларига зиён етказибди. Операция қилишди. “Энди отангинг битта кўзи кўрмайди”.

Шифкорнинг бу гапидан сесканиб кетдим. Ўз отасини кўр қилган ўғил. Мени виждон азоби емаса ҳам мана шу гап ейди...

Даволанишга келганимга тўрт ой бўлди. Сал ўзимга келдим. Қилган қилиқларимни эшитсам, ҳайратда қоламан. Йўқ, бўлиши мумкин эмас, дейман. Аммо ҳаммаси рост экан...

Содиқ гапириб бўлган, унга шифо тиладим-да, ташқарига чиқдим. Елкамдан тоғ қулагандай бўлди. Йўқ, бу энгиллик унинг гапларини эшитишдан қутулганимдан эмас, аксинча Содиқнинг пушаймонлигини эшитиб пайдо бўлган эди. Бу надомат бошқаларни — Содиқнинг тенгдошларини, умуман, ҳамма-хаммани ҳўшёрликка чақиритиш истадики. Зеро, биласиз, барча илпатлар лоқайдликдан келиб чиқди.

ўғлимнинг юзидан чангаллаган эканман. Қўлим кўзига кириб кетибди. Мен билмаганман. Хотиним қўшини аёл билан бирга боламни касалхонага олиб кетибди. Аламимдани, хуморданми яна чекдим. Бир пайт кимдир келиб, менга: “Падарингга лаянат, қачонгача шундай қилсан, эл олдида юзимни қаро қилдинг-ку” дея бақира кетди. Бу гаплар менинг қонимни кўзғатди. Ўрнимдан туриб ўша одамни роса теддим, ҳолсизланиб қолганимдан кейин тош билан ҳам урдим. Ура-ура йиқилиб тушдим. Сал-пал эсламан, одам кўл эди. Эртасига — кайдим тарқатгандан кейин кимни урганганимни билди дахшатга тушдим. Менинг ҳамма қилиқларимга чидаган, шу пайтгача менга қўл кўтариш у ёқда турсин, ҳатто қаттиқ гапирмаган отамни урибман. Отам бечора оғир аҳолда касалхонага туширилди. Эл оғизига элак тутиб бўлмасди — ҳамма менинг фарзандим ва отамнинг касалхонада эканлигини, бунга эса мен сабабчи эканлигини гапирардик. Қаврга борсам, шу гап. Бўлди, дедим ўзимга ўзим, энди ташлайман.

Кариндошларим келиб мени отам этган касалхонага олиб боришди. Қаранг, улар келиб айтмагунча менда бу фикр йўқ эди. Борсам, шифкорлар отамнинг аҳоли оғир эканлигини айтишди. Оттан тошим у кишининг қўларига зиён етказибди. Операция қилишди. “Энди отангинг битта кўзи кўрмайди”.

Шифкорнинг бу гапидан сесканиб кетдим. Ўз отасини кўр қилган ўғил. Мени виждон азоби емаса ҳам мана шу гап ейди...

Даволанишга келганимга тўрт ой бўлди. Сал ўзимга келдим. Қилган қилиқларимни эшитсам, ҳайратда қоламан. Йўқ, бўлиши мумкин эмас, дейман. Аммо ҳаммаси рост экан...

Содиқ гапириб бўлган, унга шифо тиладим-да, ташқарига чиқдим. Елкамдан тоғ қулагандай бўлди. Йўқ, бу энгиллик унинг гапларини эшитишдан қутулганимдан эмас, аксинча Содиқнинг пушаймонлигини эшитиб пайдо бўлган эди. Бу надомат бошқаларни — Содиқнинг тенгдошларини, умуман, ҳамма-хаммани ҳўшёрликка чақиритиш истадики. Зеро, биласиз, барча илпатлар лоқайдликдан келиб чиқди.

М. ЖОНИХОНОВ.

NISSAN TIIDA КОМФОРТ В ДВИЖЕНИИ. NISSAN TIIDA СПЕЦИАЛЬНОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ от официального дистрибьютора Nissan в Узбекистане — компании Premium Auto. цена от 31 000 \$*, гарантия — 2 года или 50 000 км пробега + ПОДАРОК.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 35900 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди. «Шарқ» наشريят-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ҳафтаси — 20.30 Топширилди — 21.30

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — М. Холматова. Навбатчи — Қ. Хидиров. Мусахҳас — Ш. Машраббоев. 1 2 3 4 5 6 7